

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХУЖАНАЗАРОВ АЗИЗЖОН АНВАРОВИЧ

**АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хужаназаров Азизжон Анварович Адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш.....	3
Khujanazarov Azizjon Anvarovich Improving law-making activity of justice bodies.....	23
Хужаназаров Азизжон Анварович Совершенствование нормотворческой деятельности органов юстиции.....	39
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных научных работ List of published scientific works.....	43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХУЖАНАЗАРОВ АЗИЗЖОН АНВАРОВИЧ

**АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ НОРМА ИЖОДҚОРЛИГИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.З.PhD/Үи401 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузиев Зафар Райимович,
юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Расмий оппонентлар:

Рахимов Фахри Хайдарович,
юридик фанлар доктори, профессор

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич,
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үи.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 24 апрель соат 10.00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (960-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил « 12 » апрелда тарқатилди.

(2021 йил « 12 » апрелдаги 2-рақамли реестр баённомаси).



Р.Р.Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

М.А.Ахмедшаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги йилларда норма ижодкорлиги билан шуғулланувчи органлар фаолиятига замонавий бошқарув усуллари татбиқ қилиниб, соҳага инновацион технологиялари кенг жорий этилмоқда. Мазкур тенденция хорижий мамлакатларда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш самарадорлигини янада ошириш ва сифатли қонун ҳужжатлари қабул қилинишини таъминловчи самарали мезонлардан биридир. Айниқса, норматив-ҳуқуқий таъминлаш «Қонун устуворлиги (The WJP Rule of Law Index) индекси бўйича баҳолашнинг асосий талабларидан бири ҳисобланиб, мазкур индекс доирасида ҳар йили 128 та давлатларнинг рейтинг кўрсаткичлари эълон қилиб борилади»¹. Ушбу кўрсаткичлар дунёда ҳуқуқ устуворлигига эришишда адлия органларининг ролини муҳимлигидан далолатдир.

Жаҳонда давлат органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан адлия органларининг бу борадаги фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, норма ижодкорлиги фаолиятининг назарий-методологик таҳлили, адлия органлари норма ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига замонавий технологияларини жорий қилиш, шунингдек, ушбу соҳага «ақлли тартибга солиш» модели элементларини татбиқ қилиш соҳаларига муҳим илмий аҳамият касб этувчи тадқиқот йўналиши каби алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда норма ижодкорлиги фаолиятида адлия органларининг ролини янада ошириш ҳамда бу борадаги вазифа ва ваколатларини такомиллаштириш, норма ижодкорлиги фаолиятида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш ва бу бўйича адлия органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш»² давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари

¹ <https://worldjusticeproject.org/our-work/wjp-rule-law-index/wjp-rule-law-index-2017%E2%80%932018/factors-rule-law/regulatory-enforcement>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон «Давлат ҳукуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти мавзусининг у ёки бу жиҳатлари Б.Абдуллаев, Д.Матрасулов, О.Файзиев, Ж.Неъматов, Х.Хайитов, С.Саид-Газиева ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³.

Хорижий давлатларда адлия органлари фаолиятига тааллуқли илмий изланишлар А.Ким, А.Балдин, В.Степанищев, Е.Юлегина, Е.Третьякова, О.Яковлева, С.Филипчук, N.Benjamin, A.Reiling, U.Seibert ва бошқалар томонидан адлия органлари ва мазкур органларнинг норма ижодкорлиги фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган⁴.

Шунга қарамасдан, мамлакатимизда адлия органлари норма ижодкорлиги фаолиятининг барча йўналишларига оид назарий ва амалий муаммолар, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини таҳлил қилган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш нуктаи назаридан комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁴ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

норма ижодкорлиги тушунчаси ва юридик табиатини ҳамда ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

мамлакатимиз адлия органлари норма ижодкорлиги фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини тизимли таҳлил қилиш;

адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни амалга ошириш механизмини ўрганиш, ҳуқуқий экспертиза фаолиятини гуруҳларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш фаолиятида адлия органларининг иштирокини миллий қонунчилик асосида таҳлил қилиш;

адлия органлари томонидан давлат идора ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш ҳамда услубий раҳбарликни амалга ошириш фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда, фаолиятни амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш;

адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти бўйича илғор хориж тажрибасини тизимли асосда ўрганиш ва уларни мамлакатимизда амалиётга жорий этиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқотда илмий билишнинг таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, социологик, тизимли-тузилмавий, формал-юридик ўрганиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида адлия органлари томонидан уларда коррупция намоён бўлиши ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шарт-шароит яратадиган нормаларни аниқлашга эътибор қаратиш зарурлиги асослаб берилган;

адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлик қилиш зарурлиги асосланган;

адлия органлари томонидан қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда жисмоний ва юридик шахслар учун маъмурий ва бошқа чекловлар туғдирадиган шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ҳамда нормаларни аниқлаш юзасидан ҳуқуқий хулоса бериш зарурлиги асослаб берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизаси давомида адлия органлари томонидан уларни мамлакатда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини аниқлаш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудий адлия органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларини ишлаб чиқувчи субъектлардан бири этиб белгилаш бўйича амалдаги қонунчиликка таклиф ишлаб чиқилган;

норма ижодкорлиги фаолиятининг «халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари устуворлиги», «ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги», «ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг барқарорлиги» принципларини қонунчиликда белгилаш таклиф қилинган;

адлия органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона тизимга келтирган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқиш таклиф этилган;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўйилмасиликни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини қонун даражасида белгилаш таклиф этилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ёки бошқа мутахассислари (ходимлари) томонидан ҳудудий адлия органларидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарлик бўйича амалдаги қонунчиликка таклиф ишлаб чиқилган;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришни тартибга солувчи Ягона услубиётни қонун даражасида тасдиқлаш таклиф этилган;

«норматив-ҳуқуқий ҳужжат» тушунчасини «меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат» тарзида ифодалаш ва қонун ҳужжатларидаги «норматив» атамасини «меъёрий» атамаси билан ўзгартирилиши юзасидан муаллифлик таклифи берилган;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ривожланган давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлили асосида ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулоса ва амалий таклифлардан адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек «Норма ижодкорлиги», «Конституциявий ҳуқуқ», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» каби ҳуқуқий фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек адлия органларининг амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида адлия органлари томонидан уларда коррупция намоён бўлиши ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шарт-шароит яратадиган нормаларни аниқлашга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 36-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 11 январдаги 12/1-427-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши адлия органлари томонидан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарлик қилиши зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 29-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 11 январдаги 12/1-427-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши адлия органлари томонидан давлат идораларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги функциясини такомиллаштиришга хизмат қилган;

адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловлар туғдирадиган шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ҳамда нормаларни аниқлаш юзасидан ҳуқуқий хулоса бериш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 36-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 11 январдаги 12/1-427-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши адлия органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизаси давомида адлия органлари томонидан уларни мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини аниқлаш зарурлиги ҳақидаги таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 36-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 11 январдаги 12/1-427-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши адлия органлари томонидан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 5 та (шундан 1 таси хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 6 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Норма ижодкорлиги фаолиятининг назарий-методологик таҳлили**» деб номланиб, унда норма ижодкорлиги тушунчаси ва юридик табиати, адлия органлари норма ижодкорлиги фаолиятининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Диссертант «ҳуқуқ ижодкорлиги», «норма ижодкорлиги», «қонун ижодкорлиги» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англаш, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бўйича ўтказилган тадқиқотларда (Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, Ҳ.Т.Одилқориев, М.К.Нажимов, Ш.А.Сайдуллаев, J.Wróblewski, С.В.Синюков, Д.Н.Кордик, Т.Н.Москалькова, В.В.Черников) илгари сурилган нуқтаи назарларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда, мазкур

тушунчаларга ҳуқуқ манбаларининг таснифидан келиб чиқиб таъриф берилиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, «ҳуқуқ ижодкорлиги бу – бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган фаолият» деган таърифни илгари суриш мақсадга мувофиқ саналади.

Шунингдек, «қонун ижодкорлиги» тушунчаси ҳақида қонун чиқарувчи органнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар яратишга, амалдагисига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш борасидаги фаолиятини тушуниш ўринли.

Диссертант томонидан миллий қонунчиликни таҳлил қилиш асосида «норма ижодкорлиги» тушунчасига – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос бўлувчи дастлабки таклифларни шакллантириш, лойиҳани ишлаб чиқиш фаолиятини режалаштириш, лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳани ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспертизалардан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш, лойиҳа муҳокамаси, лойиҳани манфаатдор идоралар билан келишиш, лойиҳани кўриб чиқишда иштирок этиш, лойиҳани кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш учун киритиш каби жараёнларни қамраб олган фаолият деб муаллифлик таърифи берилган.

Ўзбекистон қонунчилигида норма ижодкорлиги соҳасида кенг фойдаланиладиган «норма ижодкорлиги», «норма ижодкорлиги ташаббуси», «қонунчилик ташаббуси», «норма ижодкорлиги техникаси», «норма ижодкорлиги субъектлари» тушунчалари мавжуд эмас. Илғор хорижий давлатлар қонунчилигида мазкур тушунчаларнинг белгиланганлигини кўриш мумкин. Шунга кўра, ҳуқуқни қўллаш амалиётдан келиб чиқиб, қайд этилган тушунчаларни миллий қонунчиликда белгилаш таклиф қилинган.

Диссертант норма ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб, қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтган: 1) мазкур фаолият бевосита ҳуқуқ манбаларидан бири бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда манфаатдор идоралар билан келишиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш (чиқариш) босқичларини қамраб олганлиги; 2) умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатни⁵ қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахс ёки орган томонидан қабул қилиниши; 3) мазкур фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлган қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган тартибда алоҳида тартиб-таомилларининг мавжудлиги; 4) ушбу фаолиятда маҳаллий аҳолининг иштирок этиши.

Норма ижодкорлиги фаолиятининг юридик табиатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тамойилларни ҳам қонунчиликда белгилаш таклиф қилинган: *«халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари*

⁵ <https://www.lex.uz/acts/2105724>

устуворлиги», «ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг тизимлилиги ва комплекслилиги», «ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг барқарорлиги».

Диссертантнинг фикрича, «норма ижодкорлиги фаолияти босқичлари»ни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларидан келиб чиқиб ва амалдаги қонунчилик таҳлили асосида қуйидагиларга ажратиш мақсадга мувофиқ: 1) Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича норма ижодкорлиги босқичлари; 2) Қонун лойиҳаларига оид режалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланадиган қонунлар, Президент қарор, фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича норма ижодкорлиги босқичлари; 3) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича норма ижодкорлиги босқичлари; 4) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий мазмундаги қарорини ишлаб чиқиш бўйича норма ижодкорлиги босқичлари.

Тадқиқотчининг фикрича, қонун ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёни нуқтаи назаридан норма ижодкорлиги фаолиятини асосан икки турга, яъни қонун ижодкорлиги ва қонун ости ҳужжатлари ижодкорлигига бўлиш мақсадга мувофиқ.

«Норма ижодкорлиги техникаси бу – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий-техник расмийлаштириш, қабул қилишда қўлланиладиган қоида, усул ва воситалар мажмуи».

Адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятига оид тузилмаларининг ташкил этилиши ва мазкур соҳага ихтисослашуви нуқтаи назаридан уч ривожланиш босқичлари, яъни *биринчи босқич* (1992 – 2000 й.й.: Мустақил Ўзбекистон адлия органлари фаолиятини қайта ташкил этилиши ва соҳага оид функционал вазифаларининг шаклланиш даври), *иккинчи босқич* (2001 – 2011 й.й.: адлия органлари томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мазкур фаолиятга услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини олиб бориш борасида адлия органларининг оптимал ваколатларининг шаклланиш даври), *учинчи босқич* (2012 йилдан бошланган адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг замонавий босқичи)га бўлиш мумкинлиги асослантирилган.

«Адлия органларининг норма ижодкорлиги – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос бўлувчи дастлабки таклифларни шакллантириш, лойиҳани ишлаб чиқиш фаолиятини режалаштириш, лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳани ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш, лойиҳани манфаатдор идоралар билан келишиш борасидаги адлия органларининг фаолиятидир».

Диссертациянинг иккинчи боби «**Адлия органлари норма ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш фаолиятида адлия органларининг иштироки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан

ўтказиш бўйича адлия органларининг фаолияти, норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш ҳамда услубий раҳбарликни амалга ошириш таҳлил қилинган.

Миллий қонунчиликда «норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси» тушунчаси мавжуд эмаслигини асослаб, диссертант, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси деганда, белгиланган тартибда ишлаб чиқилган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатнинг⁶ мансабдор шахслар томонидан имзоланмаган (ёки давлат рўйхатидан ўтказилмаган) ва расмий эълон қилинмаган ҳолати, деган таърифни илгари суради.

Тадқиқотчининг фикрича, қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқиш фаолиятида адлия органлари иштирокининг мазмунини — *норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш ва ташкил этиш, лойиҳа бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, юридик-техник расмийлаштириш ҳамда манфаатдор идоралар билан келишиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши жараёнларидаги иштироки ташкил қилади.*

Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича мамлакатимиз адлия органлари томонидан куйидаги фаолият амалга оширилади: 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмаларига кўра ҳамда Адлия вазирлиги ўз ташаббусига бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши; 2) давлат органлари ва ташкилотларининг таклифлари асосида қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш; 3) қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолати ва ҳуқуқни қўлланилиш амалиётини, халқаро тажриба ва жамоатчилик фикрини ўрганиш; 4) вазирлик, давлат қўмита ва идоралари билан биргаликда норматив тусга эга бўлган қўшма қарор (буйруқ) лойиҳасини ишлаб чиқиш; 5) давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш бўйича соҳада тегишли ислохотларни амалга ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш.

Диссертант томонидан ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, хусусан адлия органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ваколатига эга субъектлардан бири этиб белгилашга оид Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгиловчи Йўриқноманинг 7-бандини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

⁶ <https://www.lex.uz/acts/2105724>

Тадқиқотчи томонидан замонавий технологияларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилиши бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва тадқиқотлар (А.Корнелия, А.Репонивич)ни таҳлил қилган ҳолда, норма ижодкорлиги соҳасидаги барча жараёнлар ва мазкур жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган QR-код (матрицали штрих код)ни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жорий этилиши ўзининг самарасини бериши асослаб берилган. Яъни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши жараёни (ишлаб чиқилишидан имзоланишигача бўлган босқичлари) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олган QR-код адлия органлари томонидан давлат органларининг норма ижодкорлиги фаолияти мониторингини жойига чиқмаган ҳолда дастлабки ўрганиш жараёнида наф бериши мумкин. Шунингдек, QR-код қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши учун асос бўлган таклифлар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олиши, ўз навбатида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илгари берилган ва такрорланувчи таклифларнинг берилиши олди олинади ҳамда янги таклифлар берилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, норма ижодкорлиги фаолиятининг қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси йўналишига оид тадқиқотларда (М.К.Нажимов, Х.С.Ҳайитов, О.Р.Файзиев, А.А.Разуваев, Е.В.Скурко, Ю.В.Сидельников, А.Н.Миронов, С.Н.Ушаков, Е.В.Раздъяконова, Е.Д.Третьякова) илгари сурилган нуқтаи назарлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, диссертант «норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳуқуқий экспертизаси» тушунчасига — *қонун ҳужжати лойиҳалари ишлаб чиқувчисининг юридик хизмати, шунингдек адлия органлари томонидан лойиҳани унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонунчиликка ва халқаро ҳужжатлар, норма ижодкорлиги техникаси қоидаларига мувофиқлиги ва лойиҳаларда ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганиш ҳамда натижаси бўйича белгиланган тартибда хулоса беришни қамраб олган фаолият* деб, муаллифлик таърифини берган.

Тадқиқотчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси миллий қонунчилик ва илмий манбалар асосида қуйидагича таснифланган: *Ҳуқуқ соҳалари бўйича:* антикоррупцион, гендер-ҳуқуқий, халқаро ҳуқуқий, криминологик. *Ваколатли субъектлар бўйича:* норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқувчисининг ёки ушбу турдаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатга эга органнинг юридик хизмати, шунингдек адлия органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертиза. *Қонун ҳужжатлари бўйича:* қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизаси.

Амалдаги қонунчилик таҳлили ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, тадқиқотчи томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳуқуқий нормалар киритишга йўл қўймаслик тўғрисида ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини қонун ости ҳужжатларида эмас, балки қонун доирасида белгилаб қўйилиши таклифи берилган.

Диссертант томонидан, «идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат»га республика давлат бошқаруви органлари томонидан ўз вазифа ва функцияларини амалга оширган ҳолда ва тегишли соҳада ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳамда норматив тусда қабул қилинадиган расмий ҳужжат, деб таъриф берилган.

Диссертантнинг фикрича, адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш давомида лойиҳаларнинг қонунчилик билан бирга халқаро шартнома нормаларига мувофиқлиги ва лойиҳаларда ҳуқуқбузарликларни аниқлашга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича мазкур экспертизанинг аниқ турларини белгилаш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижасида аниқланган коррупциявий омиллар бўйича ҳамда давлат ва жамиятга етказилган зарарнинг даражасидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат муаллифи (ишлаб чиқувчиси)нинг жавобгарлик масаласи ва амалдаги қонун ҳужжатлари юзасидан коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг миллий қонунчиликдаги аниқ ҳуқуқий механизмларини белгилаш тўғрисида таклиф берилган.

Илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида тадқиқотчи томонидан адлия органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида аниқланган жиддий қонун бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан тузиладиган эксперт хулосаси нусхаси қонуний чора кўриш учун тегишлилиги бўйича ваколатли органларга тақдим этилиши зарур, деган нуқтаи назарни илгари суради. Бунда, юридик-техник ва таҳрирлаш, терминлар бўйича ва стилистик ҳамда ишни судда кўриб чиқиш учун асосларга эга бўлмаган характердаги қоида бузилишлари ҳақидаги эксперт хулосалари тақдим этилмайди.

Амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш асосида тадқиқотчи томонидан «норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторинги» тушунчасига — *қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш фаолиятини режаслаштириш, лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳани экспертизадан ўтказиш, лойиҳанинг муҳокамаси ва манфаатдор идоралар билан келишиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш учун киритиш жараёнларини белгиланган тартибда амалга оширилаётганлигини ваколатли органлар томонидан комплекс ўрганиш фаолияти* деб, таъриф берилган.

Тадқиқотчи томонидан норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича асослаб берилган: муайян ваколатли давлат органида ушбу фаолиятни амалга ошириш функциясининг мавжудлиги; мониторинг ўтказишдан кўзланган асосий мақсад сифатли ва мукамал қонун ҳужжатлари базаси яратилишига эришишдан иборатлиги; мониторинг давомида норма ижодкорлиги фаолиятини амалга оширувчи ваколатли давлат идоралари томонидан ушбу

фаолиятга оид қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ ва оғишмай риоя этилаётганлигини ўрганишдан иборатлиги.

Тадқиқотчининг фикрича, «норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш» — қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга бўлган ягона ёндашувни ва фаолиятда қонунчилик техникаси қоидаларига тизимли риоя этилишини таъминлаш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш учун киритиш жараёнларини умумлаштириш фаолияти ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича, адлия органлари томонидан давлат идораларининг норма ижодкорлиги фаолиятига *услугий раҳбарликни амалга оширишни* қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича услубий қоидаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда кўриш мумкин.

Диссертант томонидан ҳудудларда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги соҳасида давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолияти бўйича ўтказиладиган мониторинг тадбирларида адлия органларига тегишли шароитлар яратиш ва бу борада адлия органларига кўмаклашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиниши таклифи берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, унда айрим хорижий давлатлар адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти бўйича тажрибаси, Ўзбекистон Республикаси адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини ривожлантириш йўналишлари тадқиқ этилган.

Мазкур боб доирасида адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси, хусусан Канада, Финляндия, Франция, Германия, Сингапур, Польша, Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Молдова, Озарбайжон каби давлатларнинг тажрибаси ўрганилган.

Тадқиқотчининг фикрича, ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг бу борадаги масъул бўлинмалари функцияларини самарали ишлашини таъминлаш ҳамда уларнинг қонунчилик профилидаги иш услубиётини тубдан ўзгартирган ҳолда натижавийлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертант томонидан ҳудудий адлия органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида адлия органлари ўртасида *танлов ўтказиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш* амалиётини жорий этилиши таклиф этилган.

Амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, шу кунга қадар адлия органлари фаолиятини тартибга солувчи 143 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, тизим фаолиятини тартибга солувчи

қонун қабул қилинмаган. Илғор хорижий давлатлар тажрибасини олиб қарайдиган бўлсак, Канада давлатида ва МДҲ давлатлари ичида биргина Қозоғистон Республикасида адлия органлари тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси адлия органларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишлари, фаолиятининг асосий принциплари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорлиги, вазифа ва ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, соҳа ходимлари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, тизимнинг молиявий ва моддий-техника таъминотини ўз ичига қамраб олган қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Диссертантнинг фикрича, «*Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тўғрисида*»ги Қонунни ишлаб чиқилиши натижасида адлия органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ягона тизимга бирлаштирилади ва адлия органларининг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланади.

Амалдаги қонунчилик таҳлили адлия органлари томонидан давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек сифатли ва мукамал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари яратилишини таъминлаш ҳамда норма ижодкорлиги соҳасига оид қонунчиликка риоя этилаётганлигини тизимли ўрганиш мақсадида, тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи асосида «*Давлат органлари ва ташкилотлари норма ижодкорлиги фаолиятининг мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида*»ги Йўриқномани қабул қилиниши таклиф этилган.

